

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



IMOM BUXORIY SABOQLARI



1/2024

MUNDARIJA (2024/1)

Шовосил ЗИЁДОВ. Амир Темур ва Сукрот.....3

БАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Бахтиёр ТЎРАЕВ. Ҳазрат Занги ота сийратини намоиш этувчи ва тарихий хотирани уйғотувчи асар.....5

Хусниддин АҲМЕДОВ. Янги Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг ажралмас қисми.....8

Кахрамон КАРИМОВ. Turkiстонда qozi(sudya)lar tayinlanishi, tergov qilish va hukm chiqarish tarixi.....11

Axror ESHMUNAMATOV. Jizzax vohasi chorvadorlarining ziyorat manzilgohlari va shifobaxsh buyumlari haqida.....13

Муслим АТАЕВ. Шарқда дастлабки илмий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши.....15

Шодиёр АЛИМОВ. Самарканд вилоятида фаолият юритган қозилар ва уларнинг Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни (XIX аср охири – XX аср бошлари).....18

Mohira BOYMIRZAYEVA. Markaziy Osiyo yoshlari siyosiy faolligiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar.....21

Ҳилола НОРМАМАТОВА. Илк ўрта асрлар Ўрта Осиё тангаларидаги қадимги туркий унвонлар.....23

Nodirbek QORABOYEV. Akademik Said Shermuhamedovning Toshkent davlat universiteti (O'zMU)dagi ilmiy-pedagogik faoliyati.....25

Парвина РАҲМОНОВА. Самарқанддаги Боғи шамол жанги.....26

Shohruh JUMAYEV. Qo'qonda yashagan yahudiylar tarixi va bugungi kundagi faoliyati.....28

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Mo'min HOSHIMXONOV. Mashrab she'riyatida payg'ambarlar tavsifi.....31

Нодиржон АБДУЛАХАТОВ. Мавлавий Чўбин қисмати.....33

Иброҳим УСМОНОВ. Ҳаким Термизийнинг “Ал-Ҳуқуқ” асарида ижтимоий ҳуқуқ масалалари.....36

Масъудхон ИСМОИЛОВ. Хожа Муҳаммад Порсонинг калом илмига қўшган ҳиссаси.....40

Жамшид ШОНАЗАРОВ. Бехбудий ва унинг давлатчилик ғояси.....42

Feruz NARMANOV. Mustaqillik davri tarixshunosligida O'zbekistonda tarix fani va diniy ta'lim o'qitilishining yoritilishi.....44

Javohir ZAFARZODA. Abu Rayhon Beruniy asarlarida – e'tiqod masalasi.....46

Matlyuba SADULLAYEVA. Number as the essence of things: philosophy of Western and Central Asian scientists.....48

Ҳошимжон НИЗОМИДДИНОВ. “Арфу-ш-шазий” асарида қабрлар масаласи.....52

Gulnoza AXMADJONOVA. XX asr Turkiстон ma'rifatparvar olimlaridan Mahmudxo'ja Behbudiy faoliyati.....53

Баҳодиржон АЎЗАМОВ. Ҳаким Термизийнинг ҳадис илмида тутган ўрни ва бу соҳага оид асарлари таҳлили.....55

Асилбек ХЎЖАЁРОВ. Насаф фикҳ мактаби ва Баздавий алломалар фикҳий мероси (IX – XII асрлар).....57

Дилдора АХАТОВА. Ёшларни илм-маърифатли қилишда Абу Али Ибн Сино илмий меросининг ўрни (“Ҳайи ибн Яқзон” асари мисолида).....60

Абдулбосит МАМАДАЛИЕВ. Юртимизда фаолият юритган Булғорий алломалар.....61

نعماتوف محمد عيسى. أثر فقهاء الحنفية في تربية الشباب الشيخ إبراهيم الحلبي نموذجاً.....63

НОДИР МАНБАЛАР

Неъматулло НАСРУЛЛАЕВ. Ҳанафий фикҳига оид китобларнинг тарихий босқичлари: “Мухтасарул виқоя” асари мисолида.....66

Ҳусен ДЖУРАЕВ. Махмуд аз-Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” луғат асари нусхасининг Бухорода китобат қилиниши тарихи.....68

Abduqahhor RAXMONOV. Abu Yusufning “Kitob al-xaroj” asarida adolatli ijtimoiy siyosat g'oyasining yoritilishi.....70

Муҳаббатхон АГЗАМОВА. “Ал-қомил фит-тарих” асарини таълиф этишда “Тарих ар-русул вал-мулк”нинг аҳамияти.....72

Dilafuz TURDIYEVA. XX-XXI asrlarda Malayziya ijtimoiy-siyosiy hayotida diniy omilning o'rni va ahamiyati.....74

Barot AMONOV. “Sahihul Buxoriy” asari sharhlarini o'rganishning ilmiy-nazariy asoslari.....78

Abrorxon ASATULLOYEV. Abdurahmon Toshkandiyning “Me’yor ul-axloq” asarining qiyosiy tahlili.....82

Давронбек ҚОДИРОВ. Қушайрийнинг “Нахвул кулуб” рисоласидаги ахлокий қарашлари.....84

Акмал ЯКУБОВ. Хива тарихнависларининг XVI-XIX асрларда Хоразм ва Дашти қипчоқ муносабатларига оид асарлари.....86

Ойбек ЯРМАТОВ. Туркистондаги хинд фуқаролари тарихига оид манбалар таҳлили.....88

Нодир ҚОБИЛОВ. “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” ҳадис тўпламининг ёзилиш тарихи ва асар бобларини тартиблаш услуги.....91

Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВ. Усул ал-фикҳ илмининг пайдо бўлиши ва шаклланиши.....93

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Lola AZIMOVA. Islom tarixiga oid qissalar va ularning sujeti (XIX asr misolida).....95

Nigora XAKIMOVA. Muttasil hadislarining islom huquqida qoʻllanilishi.....97

Nozima IBRAGIMOVA. The etymological analysis of the notion “Ambassador”.....100

Бекжон ҚУРБОНОВ. Ислому ҳуқуқининг шаклланиш тарихи.....102

Алоуддин НЕЪМАТОВ. Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асаридаги фикҳга оид ҳадислар таҳлили (“Фотиҳа” сураси мисолида).....104

Nilufar TUYCHIYEVA. Gʻarbda tasavvufning yangicha koʻrinishlari.....106

Зикирилло ЯЗДОНОВ. Ҳаким ат-Термизийнинг сўфиёна қарашлари ва маломатийликка муносабати.....108

110.....**ليروف شامل عبدروفيس.** دور أبي حنيفة في علم الحديث

Махмуд АБДУРАХМОНОВ. Ҳанафийлар мазҳабида ҳадислардан далил сифатида фойдаланиш тартиблари.....112

Javohirxon SOBIROV. Turkiy davlatlar tashkilotining Oʻzbekiston milliy manfaatlarida tutgan oʻrni.....114

Jasurbek ABDUQODIROV. Ziyorat obʼyektlari va ularni tasniflash.....117

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Sherzod RAXIMOV. Ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni demokratlashtirishda elektron demokratiyaning taʼsiri....119

Hakim RASULOV. Sharq va gʻarb taʼlimotlarida siyosiy va huquqiy madaniyat: genezisi va shakllanishi.....121

Мустафо БОЗОРОВ. Миграция жараёнига дин омилининг таъсири.....123

Sheraxon XASHIMOV. Oʻzbekistonning xalqaro imijini yuksaltirishda ziyorat turizmining oʻrni.....126

Gavhar SUVONKULOVA. Huvaydo hayoti va ijtimoiy muhit.....128

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Хусан ДЖУРАКУЛОВ. Бугунги глобал техника-технология асрида шахс экологик онгини юксалтириш зарурияти.....130

Ойгул ШАРИПОВА. “Рутбатул ҳаёт”да тана ва рух масаласи.....132

Ramziddin ISAKDJANOV. Islom dunyosidagi falsafiy tafakkur evolyutsiyasi Ibn Sino misolida.....134

Зебинисо АХМЕДОВА. Аҳмад Дониш фалсафасида инсон борлиғи ва олам масаласи.....137

Дилшода РАҲИМОВА, Садоқат ТУРАТОШЕВА. Жамият маънавий даражасини юксалтиришни моделлаштириш: ижтимоий-фалсафий таҳлил.....139

Maqsud TOSHBOVOYEV. Sunʼiy intellekt rivojlani-shining falsafiy tahlili.....141

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Sarvar SULEYMANOV, Feruza MUSTAFOYEVA. Zamonaviy yoshlar tarbiyasida yangicha yondashuvlardan foydalanish.....144

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Jonibek TANIQULOV. Media axborot erkinligi: muammo va yechimlar.....146

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Ҳаё хусусияти.....148



эмас, балки вожибдир [5: (1-жилд) 110]. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом бу ҳадисда Халлод ибн Рофеъга “Қуръондан ўзинг билганларингни ўқи” деганлар ва “Барча намозларингда худди шундай иш қил”, деб таъкидлаганлар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الصَّامِتِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِقَاتِحَةِ الْكِتَابِ».

5. Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Фотиҳатул Китобни ўқимаган кишининг намози намоз эмас”, дедилар” [11: (1-жилд) 9].

Бу ҳадисни Имом Бухорий [9: (1-жилд) 263], Имом Муслим [12: (1-жилд) 295], Имом Термизий [2: (2-жилд) 121], Абу Довуд [1: (2-жилд) 115], Имом Аҳмад [8: (37-жилд) 351], Насой [13: (7-жилд) 254] ривоят қилган. Ҳанафий уламолар бу ҳадисни намозда Фотиҳа сурасини ўқиш вожиб эканига далил қилиб келтирган [5: (1-жилд) 110]. Ҳадисни эса “намози мукамал эмас”, деб талқин қилган. Бу фикрни қувватлаш учун Абу Хурайрадан ривоят қилинган: “Ким намоз ўқиб, унда Фотиҳатул Китобни ўқимаса, демак, у ноқисдир, ноқисдир, ноқисдир, тўқис эмасдир” ҳадисини хужжат қилиб келтирган. Уни Имом Муслим [12: (1-жилд)

297], Имом Термизий [2: (5-жилд) 215], Абу Довуд [1: (2-жилд) 113], Имом Аҳмад [8: (11-жилд) 154], Насой [13: (7-жилд) 256] ривоят қилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳанафий мазҳабига амал қилувчи мусулмонлар Қуръон оятлари ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари қолиб Абу Ҳанифа ва шогирдларининг раъйига эргашмаяпти. Балки Абу Ҳанифа бошлиқ ҳанафий уламоларнинг Қуръон ва ҳадисдан иjtиҳод йўли билан чиқариб олган илмий хулосаларига эргашмоқда.

Имом Мотуридий ҳам ана шу ҳанафий мазҳабининг етук мужтаҳидларидан биридир. Чунки у “Таъвилот ал-Қуръон” асарини ҳанафий фикр ҳанафий мазҳаби асосида ёзган. Ундаги маълумотлар ҳанафийлар амал қилаётган барча фикр ҳукмлар Қуръон оятлари ва Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларига асосланган. Бу иккисидан далил йўқ ўринлардагина Ижмо ва Қиёсга ўтилган. Бинобарин, мазҳабларни тарқ қилиб, Қуръон ва ҳадисга амал қилиш керак, деб айтётганларнинг даъволари асоссиздир. Зотан, мужтаҳид имомларнинг фикр ҳанафий қарашлари оят ва ҳадислардан чиқариб олинган илмий хулосалардан иборатдир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Довуд. Сунан. Шуайб Арнаут ва Муҳаммад Комил Қорабалил таҳқиқи. – Қоҳира: Дорур рисолатил оламия, 2009. – Ж. 2. – 651 б.

2. Абу Исо Термизий. Сунан. Аҳмад Муҳаммад Шокир ва бошқалар таҳқиқи. – Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 2. 516 б.; – Ж. 5. – 735 б.

3. Абу Саид ибн Аъробий. Ал-Мўъжам. Абдул Муҳсин ибн Иброҳим ибн Аҳмад Ҳусайний таҳқиқи. – Саудия: Дору Ибнул Жавзий, 1997. – Ж. 2. – 877 б.

4. Абул Ҳасан Нуриддин Али ибн Абу Бакр ибн Сулаймон Ҳайтабий. Маъжауз завоид ва манбул фавоид. – Байрут: Дорул фикр, 1991. – Ж. 7. – 351 б.

5. Алоуддин Косоний. Бадойиус санойиъ фи тартибиш шароиъ, – Байрут-Лубнон: Дорул кутубил илмия, 1986. – Ж. 1. – 325 б.; – Ж. 3. – 249 б.

6. Жалолиддин Суютий. “Ал-Жомеул кабир”. Мутор Иброҳим Ҳоиж ва бошқалар таҳқиқи. – Қоҳира: Ал-Азхаруш шариф, 2005. – Ж. 11. – 832 б.

7. Ибн Можа. Сунан. Шуайб Арнаут ва бошқалар таҳқиқи. – Байрут: Дорул рисолатил оламия, 2009. – Ж. 4. – 725 б.

8. Имом Аҳмад ибн Ханбал. Муснад. Шуайб Арнаут ва

бошқалар таҳқиқи. – Байрут: Муассасатур рисола, 2001. – Ж. 11. 690 б.; – Ж. 37. – 546 б.

9. Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. Мустафо Деб Буғо таҳқиқи. – Байрут: Дору Ибн Касир, 1987. – Ж. 1. – 470 б.; – Ж. 3. – 1435 б.

10. Имом Дорақутний. Сунан. Шуайб Арнаут ва бошқалар таҳқиқи. – Байрут-Лубнон: Муассасатур рисола, 2004. – Ж. 2. – 504 б.

11. Имом Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. Аҳмад Вонли ўғли ва Бакр Тўпол ўғли таҳқиқи. – Истанбул: Дорул мезон, – 2005. – Ж. 1. – 586 б.

12. Имом Муслим. Ал-Муснадус саҳиҳил мухтор би нақлил адли анил адли ила Расулиллаҳи. – Байрут-Лубнон: Дорул кутубил илмия, 1991. – Ж. 1. – 576 б.

13. Имом Насой. Ас-Сунанул кубро. Шуайб Арнаут таҳқиқи. – Байрут: Муассасатур рисола, 2001. – Ж. 1. 491 б.; – Ж. 7. – 483 б.

14. Имом Табароний. Ал-Мўъжамул авсат. Ториқ ибн Эвазуллоҳ ибн Муҳаммад ва Абдул Муҳсин ибн Иброҳим ибн Аҳмад Ҳусайний таҳқиқи. – Қоҳира: Дорул ҳарамайн, 1994. – Ж. 1. – 308 б.

G'ARBDA TASAVVUFNING YANGICHA KO'RINISHLARI

NILUFAR TUYCHIEVA
O'zXIA katta o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada bugungi kunda G'arb olamida tasavvufga qiziqishning kuchayishi sabablari va uning islom dini an'ana va tamoyillariga uyg'un va farqli jihatlari tahlil qilingan. **Tayanch so'zlar:** neosufizm, tasavvuf, sufiy, klassik tasavvuf, tijoniya, zikr.

Annotation: This article analyzes the reasons for the increasing interest in Sufism in the Western world and its similarities and differences with the traditions and principles of Islam. **Keywords:** neo-sufism, sufism, sufi, classical sufism, tidjania, zikr.

Аннотация: В данной статье анализируются причины возрастающего интереса к суфизму в западном мире, его сходства и различия с традициями и принципами ислама. **Ключевые слова:** неосуфизм, суфизм, суфий, классический суфизм, тиджания, зикр.

Kirish. Yevropaliklarning dastlab tasavvufga qiziqishi O'rta asrlarga o'tish davridan boshlanadi. Zohida ayol Robiya al-Adaviya, misrlik zohid Ibn al-Farid, fors adabiyotining klassik vakillari Sa'diy Sheroziy va Hofizning she'riy uslubda yozilgan tasavvufiy qarashlar aks etgan ijod namunalarini Yevropada keng tarqaldi. G'arb va Sharq madaniyatining tibbiyot, falakiyot, matematika, falsafa kabi ilm-fanning turli sohalarida o'zaro ta'siri mavjud. Mustamlakachilik davrida Yevropa

uchun musulmon olami qiziqish markaziga aylandi. XX asr boshlarida yevropalik sayohatchi va izlanuvchilar tasvirga olgan yamoq xirqa kiygan, turli ko'rinishdagi musulmon darvesh va qalandarlarining fotosuratlarini paydo bo'la boshladi. Yevropaliklar uchun bu suratlar Hofiz o'z she'rlarida tasvirlagan xarobalarda istiqomat qiluvchi zohid va rindlarning ayni ko'rinishi edi. “Etnografik ekzotika”ning bu ko'rinishi musulmon tasavvufining G'arb tushunchasidagi elementlari edi.

Taxminan shu davrdan boshlab, dastlabki neofit-yevropaliklar tomonidan soʻfiylarning xirqa qoʻllash amaliyoti paydo boʻla boshladi. Birinchilardan boʻlib ayollar ushbu amaliyotni oʻqib koʻrdi. Aljirda faoliyat yuritgan va fransuz armiyasiga qarshi kurashda arablar tomonida turib harbiy amaliyotlarda ishtirok etgan jurnalist va tadqiqotchi Izabel Eberxardt (1877-1904) shular jumlasidandir. U 23 yoshida suluk yoʻliga oʻtib, Tunisidagi qodiriya tariqati aʼzosi boʻldi. Bu davrda yevropaliklarga katta taʼsir oʻtkazgan shaxs logann Gustav Ageli (1869-1917) edi. U 1889 yilda oʻziga Ivan Agueli nomini bergan. 1903 yilda yosh italyan shifokori Enriko Ensabato bilan birga Misrga tashrif buyuradi. U yerda shoziliya tariqati yetakchisi Abdurahmon Kabir bilan tanishadi. Uning taʼsiri natijasida tariqat vakiliga aylanadi. Shu vaqtda unga Abdulhadiy Magʻribiy ismi beriladi. Bu nom ostida tasavvuf bilan bogʻliq koʻplab gazeta maqolalari va kitob nashrlari amalga oshiradi. U asosiy eʼtiborini Ibn Arabiyning ijodini oʻrganishga qaratgan edi. U 1911 yilda Parijga qaytib keladi va akbariya tariqatiga asos soladi. Maʼlumki, Ibn Arabiyni nisbatan "Shayxul akbar" kunyasi qoʻllanilgani Magʻribiyga katta taʼsir qilgan.

Ammo XX asr boshlarida Gʻarbda tasavvuf amaliyoti tomoshaga aylantirilgan tashkilot boʻlib qoldi. Yevropa jamiyatida har doimgidan ham sezilarli darajada rezonans kuzatildi. Xuddi shu davrda koʻplab kishilar orasida Aguelining qarashlari taʼsirida islomni qabul qilish jarayoni roʻy berdi. Bu davrda musulmon olamida gʻarb gʻoyalari taʼsiri natijasida modernizatsiya jarayonlari jonlanganini koʻrish mumkin. Zamon ruhiga mos ravishda yangilanish gʻoyalari soʻfiylik muhitiga ham sezilarli taʼsirini oʻtkazib kelmoqda. Bugungi kunda klassik soʻfiylik anʼanalarini qayta koʻrib chiqish kerak degan qarashlar ham mavjud.

Hozir kunda ilmiy adabiyotlarda uchrab turadigan "neosufizm" atamasi birinchi marotaba Fazl Rahmon tomonidan qoʻllangan. F.Rahmon asarlarida keltirilishicha, dastlabki neosufiylar traditsionalist (ahli hadis)lardan taʼsirlangan. Ayniqsa, Ibn Taymiya (vaf.1328) va uning shogirdi Ibn Javziy (vaf. 1350) qarashlaridan foydalangan. Ularining fikriga koʻra, tasavvuf oʻzining asosiy jozibasi va metafizik xususiyatini yoʻqotgan. "Neosufist"larning asosiy gʻoyasi tasavvuf amaliyotini individga tegishli deb cheklanib qolmaslik, balki "musulmon jamiyatini ijtimoiy va ruhiy tiklash"ga qaratilgani bilan belgilanadi. Neosufistlarning oʻziga xos jihatlari F.Rahmon va boshqa mualliflar fikriga koʻra, bir qancha anʼanalardan voz kechishdan iboratdir. Voz kechilgan amaliyotlar ichida eng mashhurlari: samo, jahriy zikr, avliyolarga taʼzim qilish, ziyoratgohlarga borishni cheklash, Ibn Arabiyning "vahdat al-vujud" taʼlimotini rad etish, ayrim sufiylar qoʻllaydigan jamʼ va fano tushunchalarini tark etish va hok.

Uludogʻ universiteti ilohiyot fakulteti doktori Yusuf Oʻztel fikricha, neosufizmdan eng muhim shaxslari tijoniyat tariqati asoschisi Jazoirlik Ahmad at-Tijoniy (1737-1815), Fasli Ahmed bin Idris (1749-1837), Shimoliy Afrikalik al-Haj Umar (1793-1864) va nihoyat soʻngi muhim shaxs Ahmad ibn Idrisning eʼtiborli shogirdi, sanusiylik tariqati asoschisi Muhammad Ali as-Sanusiy (1787-1859) edi [4].

Uning maqolasida keltirilishicha, ilmal yaqin masalasida klassik tasavvuf va neosufizm oʻrtasida farq mavjud. Tasavvuf vakillari sahih tushda Paygʻambarni koʻrish masalasini mumkin deydi. Neosufistlarga fikriga koʻra, Paygʻambar vafotidan keyin u bilan koʻrishish jonli tarzda amalga oshiriladi, chunki Paygʻambarni vafot etmagan deb hisoblaganlari bois shu xulosaga kelgan. Ular Paygʻambar oʻlmagan, hayotini esa boshqa shaklda davom ettirmoqda, deb ishonadi. Bundan tashqari, ijthodni inkor qiladi, mazhablarga ergashishni taqiqlaydi. Buning sababi sifatida esa Paygʻambarning tirikligini vaj qilib koʻrsatadi. Agar Paygʻambar tirik ekan boshqa soha vakillariga ergashish notoʻgʻri, deydi. Fiqh va aqida sohiblari aqlini qusurli deb bilgani bois ularga ergashishga monelik qiladi. Haqiqiy soʻfiyni ilohiy ilhomga doxil deb hisoblashi ham goʻyoki ularni Paygʻambar bilan aloqa oʻrnatuvchi yagona shaxs sifatida daʼvo qilayotganga oʻxshatadi.

Neosufistlar zikr va virdlarining asosini toʻgʻridan-toʻgʻri Paygʻambardan yoki soʻfiylarning rahnamosi hisoblangan Xizrdan olganligini koʻrsatish vajidan ilohiy ilimga daʼvogarlik kayfiyati sezilishini taʼkidlagan. Bugungi kunda neosufizm masalasi sharqshunoslar tomonidan salbiy nuqtayi nazardan oʻrganilmoqda. Sababi "Neosufist" atamasining turlicha taʼriflarga sabab boʻlayotganida. Ushbu mavzuga doir bir necha maqola yozgan sharqshunoslar ham mavjud. R.S.OʻFei va B.Radtke hammualliflikda "Neosufizmga yangicha qarash" nomli maqolasida anʼanaviy sharqshunoslikda asosiy eʼtibor tasavvufning falsafiy jihatlarini oʻrganishga, oʻrta asr mutasavviflarining nazariy qarashlarini tahlil qilishga va bu boradagi taxminlarni izohlashga ahamiyat berilishi lozimligini taʼkidlaydi. Klassik tasavvuf manbalarida esa aksar soʻfiylik amaliyoti (zikr, samo, ziyorat, tariqat) bilan bogʻliq maʼlumotlar aks etadi. Neosufistlar uchun yuqoridagi masalalar orasida eng muammolisi "Xatmul avliyo"dir. Garchi bu mazvu Hakim Termiziy asarlarida atroflicha yoritilgan va unga bir qancha munosbat bildirilganiga qaramasdan, hanuz bir toʻxtamga kelinmagani neosufistlar uchun ochiq qolmoqda. Sababi ular avliyolarga ehtirom va valiylik borasida bir qolipga tushub qolishni istamaydi. Hattoki, ular imkon qadar bu masalani inkor qilishga urinadi.

Ayrim tadqiqotchilar "neosufizm" tushunchasini "oʻzgartirilgan soʻfizmdan" deb ham atamoqda. Chunki mutaxassislar tomonidan bu atama islom anʼanalaridan koʻra koʻproq Gʻarb izoterizmgacha mos keladi, deb baholanmoqda [2]. Ular Gʻarb ommaviy madaniyati sohasida islom tasavvufiy taʼlimotlariga qiziqish XX asr oʻrtalari va ikkinchi yarmida kuchayganini aytmoqda. Shuningdek, neosufistlar bunday eʼtiborning kuchayishi sharqona maʼnaviy anʼanalarga qiziqish va yoshlar submadaniyatlarining paydo boʻlishi natijasida yuzaga kelgan, degan fikrni ilgari surmoqda. Neosufizm tarafdorlari nafaqat islom anʼanalarini inkor qilishga, balki Gʻarb qadriyatlarini ham pisand qilmaslikka harakat qiladi.

Dastavval Hindistonda yashagan, musulmon oilasida tugʻilgan, chishtiylik tariqati shayxi sanalgan Hazrat Inoyatxon ham neosufizm qarashlariga mos shaklda faoliyat olib borgan. U yoshligidan diniy ilm olishga harakat qilgan. Shu bois veda dinlari matnini oʻqish, musulmon olimlari risolalari bilan tanishish va xristian manbalarini oʻrganishga qiziqqan. Uzoq davom etgan ruhiy ehtiyoj Inoyatxonni tasavvuf olamiga olib kirdi. Uning fikriga koʻra, tasavvufda boshqa dinlarga qaraganda koʻproq erkinlikni his qilgan. Shu tarzda soʻfiylik yoʻlini tanlab, shayxi Said Muhammad Madaniy boshchiligidagi chishtiya tariqatining tartib va qoidalarini oʻrgana boshladi. Mazkur davrda unda tasavvufga universallik gʻoyasini kiritish va uni Gʻarb olamida kengroq yoyish fikri uygʻondi [5].

Inoyatxonning fikriga koʻra, neosufizm oʻziga xos ruhiy hodisa boʻlib, diniy va milliy jihatdan chegaralanmagan. Uning fikriga koʻra, har bir dinda haqiqat bor. Haqiqat esa Xudodir deb taʼkidlaydi. Soʻfiy aniq bir dinga eʼtiqod qilishi shart emas, degan fikrga tayanib, yangi bir yoʻnalishga asos soldi [3]. Inoyatxon Xudoni inson va dunyoning yaratuvchisi hamda Mutlaq deb ataydi. Neosufiylikda Xudo barchani birlashtiruvchi yagona yigʻindi deb ataladi. Bu kabi qarashlar klassik tasavvuf gʻoyalarga zid ekani koʻrinib turibdi. Bundan tashqari, Inoyatxon inson ruhi oʻlmaydi va jism oʻlgach ruhi qayta tiriladi deb ishonadi. U ruhning qayta tirilishi masalasini xristianlikdagi aqidaga koʻra tushuntirishga urinadi [1].

Xulosa sifatida gʻarb aholisining tasavvuf vositasida islom dinini qabul qilishi bilan bogʻliq sabablarni quyidagicha keltirish mumkin:

1. Gʻarb jamiyatining hayot tarzidagi maʼnaviy va ruhiy boʻshliq mavjudligi. Materializmga asoslangan Gʻarb hayoti insonlarning hayotdan qoniqmasligiga va islomning ruhiy asosi boʻlgan tasavvufga yaqinlashishiga asos boʻlmoqda;

2. Tasavvuf va tariqatlarning oʻziga xos jihatlarning mavjudligi. Tasavvuf gʻoyalarining jamiyatning har qanday vakili uchun ochiq ekani, ruhiy muammolarga yechim berishga qaratilgani, hayotda xotirjamlikka erishish uchun koʻmak berishi koʻp marotaba oʻz tasdigʻini topayotgani iliq qabul

qilinmoqda;

3. Yangi musulmonlar uchun ijtimoiy va kirishimli muhit ta'minlashi. So'fiy jamoalariga a'zo bo'lgan yangi musulmon uchun u yerda ko'nikma va qo'llov mavjudligi ularning o'zini yolg'iz his qilmasligiga olib keladi. Bu esa insonga jamiyatga kerakli ekanini bilish va qadr topish kabi tuyg'ularni tuyish imkonini beradi. Umidsizlik kayfiyatidan faol hayotga qaytgan kishilarga tasavvuf motivatsiya berayotgani a'zolar tomonidan

yuqori baholanmoqda.

4. G'arbda tasavvuf bilan aloqador kishilar bilan suhbatlar shuni ko'rsatmoqdaki ular tasavvufni islomning amaliy qismi sifatida ko'rishdan o'ziga talaygina quvvat olayotganidan mamnundir.

5. Tasavvufga oid asarlar, tadqiqotlarning g'arb tillariga tarjima qilinishi bu sohaga yanada qiziqish uyg'onishiga sabab bo'lmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Der Mystiker – Bernd Radtke, "Der mystiker al-Hakim at-Tirmidi", Der Islam 57 (1980): – P.237-245.

2. Sedgwick M. Against the modern world. – P. 217.; Ernst C., Lawrence B. Sufi Martyrs of Love. – New York: Palgrave Macmillan, 2002. – P. 142.

3. Михайлушкин А.И., Шимко П.Д. Экономика

транснациональной компании: Учеб. пособие для ВУЗов. – Москва: Высшая школа экономики, 2005. – С.24.; Baer Randall N. Inside the new age nightmare. – Huntington House., 1989. – P. 47.

4. Yusuf Öztel // Neo-sufizm Eleütirisi. Uludağ üniversitesi ilâhiyat fakültesi dergisi. Cilt: 18, Sayı: 2, 2009. – S. 361-371.

5. <http://religo.ru/journal/11824>.

ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ СЎФИЁНА ҚАРАШЛАРИ ВА МАЛОМАТИЙЛИККА МУНОСАБАТИ

ЗИКИРИЛЛО ЯЗДОНОВ

СамДУ Ургут филиали
ассистенти, PhD

Аннотация: Ушбу мақолада Марказий Осиёда тариқатларнинг шаклланиши, ғоялари, тамойилларига таъсир кўрсатган омиллар, тушунча ва категориялар таҳлил этилган. **Таянч сўзлар:** меҳр, муҳаббат, шафқат, макр, риё, кибр, ҳақим, ҳикма, сўфий, тасаввуф, мутасаввиф, ҳадис, калом, нафс, қалб, рух.

Annotation: In this article, the concepts and categories of factors influencing the formation of sects in Central Asia are analyzed. **Key words:** affection, love, compassion, trickery, arrogance, wisdom, wisdom, mysticism, hadith, word, heart, soul.

Аннотация: В данной статье анализируются факторы, концепции и категории, повлиявшие на формирование, идеи и принципы сект в Центральной Азии. **Ключевые слова:** привязанность, любовь, сострадание, хитрость, лицемерие, высокомерие, мудрость, мистика, хадис, слово, душа, сердце, душа.

Маломатийлик ва қаландарийлик ҳам ўзига хос ғояларни тарғиб қилишда тариқатларга ўз таъсирини кўрсата олган ҳаракатлардан ҳисобланади. Дунёнинг фанийлигини билиш, ўткинчи олам иш ва ташвишлари деб меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват талабларидан асло четламаслик – булар исломий асослар бўлиб, тасаввуф тараққиёти учун алоҳида аҳамият касб этган.

Ўзинчи, айниқса ўн иккинчи асрларга келиб салбий ўзгариш, ишонч-этиқодда бузилишлар устунлик қила бошлаган. Сўфийликда сохтакорлик, макр, ҳийла ва риё авж олган. Буни мумтоз тасаввуфшуносларнинг афсус-надомат тўла танқидий гапларидан ҳам англаш мумкин.

Маломатийлик ва қаландарийликнинг айнан "риё", "кибр", "ужб" сохтакорликларга қаратилган маломатийлик ғоялари хилма-хил хатти-ҳаракатлари, урфларида намоён бўлиши уларнинг тариқат тамойилларига таъсири сўфийлик тажрибаларида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда мавжуд бўлган тариқатларнинг маънавий-ахлоқий тамойилларининг такомиллашувига, мурид-мурид, устоз-шогирд муносабатлари ўзгаришига сезиларли даражада ҳисса бўлиб қўшилган. Хонақоҳлардаги гўшанишин шайхлар, узлатпараст пирлар уларнинг ҳаракатларидан хулосалар чиқарган, риёкорлик ва кибрдан узоқлашишга ҳаракат қилган.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда Ҳаким ат-Термизий яшаган даврда суфийлар "обид" (ибодат қилувчи), "зохид" (зуҳд қилган мулклардан ўзини тортган), "воиз" (ваз айтувчи), шунингдек, "ҳақим" деб номланган. Албатта, бу тоифалар ўртасида маълум даражада фарқлар бор. Ҳаким ат-Термизийнинг ҳам ушбу лақабга сазовор бўлиши бежиз эмас. Унинг асарларида "ҳақим" ва "ҳикма" мавзуси жуда муфассал таҳлил қилинади. Аммо нима учундир "сўфий",

"тасаввуф" истилоҳлари учрамайди. Ҳаким ат-Термизий кўп жойда "жун кийганлар"ни зикр этади, бироқ уларни "суфий" деб атамайди.

Ҳаким ат-Термизий учун илм – нарсаларнинг зоҳирий томонларини англаб етиш, ҳикма эса ашёларнинг моҳиятини, ички борлигини билишдир [1:59]. Чунончи, Ҳаким ат-Термизий зоҳир ва ботин бир-бирига ошно эканига доимо ишора қилади: "Улар бир-биридан ажралмайди. Илм шариатнинг баёни бўлиб, Аллоҳнинг бандаларига ҳужжатиридир. Ҳикма эса ҳақиқат баёнидир. Кимки, илм аз-зоҳир билан ўралиб олиб, илм ал-ботинни инкор этса, у мунофиқдир. Агар кимки илм ал-ботинни ўзлаштириб, шариатни татбиқ қилишлик учун илм аз-зоҳирни инкор этса, у зиндиқдир. Унинг илм ал-ботиндаги билими ҳақиқий эмас, бу фақат шайтоннинг унга қилган васвасасидир" [2:52-53].

Шундай қилиб, Ҳаким ат-Термизийга кўра, ҳаким – бу Аллоҳга талпинувчи, атроф-муҳит ва нафсни билишга интилувчи, ислом анъаналари доирасида табиатни ва ўзлигини англаб етишни ўрганиб, ўз тушунчаларини янада ривожлантира оладиган инсондир. Ҳакимнинг билими – ҳикма, яъни ички моҳият ҳақидаги билимдир. Илм ал-ботин – бу ҳикмадир. "Наводир ал-усул"да Ҳаким ат-Термизий бир неча жойда "уламо ал-ботин ва ҳум ал-хуқамо", яъни ботин уламолари – ҳақимлар эканини таъкидлаган [3:358].

Ўзининг бу каби мулоҳазалари билан Ҳаким ат-Термизий ислом ҳуқуқшунослигини илм ал-ботин нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши ва шу йўл билан жамиятни ислоҳ этишни кўзда тутди.

Ҳаким ат-Термизий яшаган муҳитда "тасаввуф", "сўфий" деган истилоҳлар ҳали Мовароуннаҳр ва Хуросон мистикасига нисбатан қўлланилмас эди. Бу истилоҳлар Ироқ мактаби тасаввуфига нисбатан истифода этилган